

ПАХТАПОР!

ОММА ОРАСИДА

КПСС XXII съезди қарорлари ва партия Программасини пропаганда қилиш ҳамда меҳнаткашларни еттилик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ишига сафарбар қилиш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Бўстонлик район партия комитети саноат корхоналари, колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотлари меҳнаткашлар орасида пропаганда ишларини кенгайтириш борасида анча ишлар қилишди. Районда идеология ишларини ташкилий ишлар билан боғлаб олиб боришга катта аҳамият берилди. Партия ташкилотларида 900 дан ортиқ агитатор, сиёсий ташкилотчи, 117 дан зиёд пропаганда-дист ва сиёсий докладалар ишлаб турибди. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамиятнинг район бўлими составида 230 дан ортиқ лектор бўлиб, улар КПСС XXII съезди, партия Программаси, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларини изчиллик билан пропаганда қилишда ва меҳнаткашларни коммунизм курувчисининг ахлоқ кодекси принциплари асосида тарбиялашда партия ташкилотларига ёрдам бермоқдалар.



1-«Боёв» совхоз 2-бўлимнинг моҳир механик-ҳайдовчиси ўртоқ Маъруф Жўраев еттиликнинг туртинчи йилни катта ютуқ билан аяқламоқда. У бу йил мавсумда ўз «зағори кемаси» бункеридан эл хирмонига 150 тонна «оқ олтин» тўкди. Суратда: ўртоқ М. Жўраев.

Чўл билан олишиб

Хар қайси районинг ҳам энг илгор ва энг қўлоқ хўжалик бўлади. Бизнинг колхозимиз 1962 йилга қараб раёндаги энг камхосил, чўлиб қолган колхоз эди. 1961 йилда 952 гектар ерда чигит экиб, 17 центнердан ҳосил олдик. Пля бажарилмади. Даромад жуда камайиб кетди.

1962 йил бошида мен раисликка сайландим. Мен раисликка тавсия қилишганда ҳақиқатда бир шарт қўйди: иш устида отамни ҳам аямайман. На акамни танимган, на укамни. Ҳаммадан ҳалол ишлашни қаттиқ туриб талаб қиларман. Ишқамасларга тинчлик бермайман. Шунга рози бўлсаларингиз, мен раислик қилай, дедим.

Илгариги раҳбарларнинг машаққатлиги, бировларни ишла деб пўписа қилиб, ўз хотинларини, қариндош-уруғларини уйда ўтказиб қўйиш, менга ёқмас эди. Раис бўлиб сайланган кунимдан қариндош-уруғларимни интизомга чақирдим. Энг муҳими шу бўлдики, кимга қандай иш топширсак, ўша ишнинг бажарилишини назорат қилиб бордик.

Қиш қурғоқ ва иссиқ келиб, деҳқонлик учун ноқулай шaroит юз берди. Шунинг учун кўламда ҳамма ерминини сугориб, кейин чигит экидик. Бу чигитнинг қийғос унб чигитини татмилади. Ғўза 2—3 қўлоқ бўлиши билан култивация ва озиқлантиришни бошладик. Агар ғўза эрта ўғитланса, тезда ўзини тутиб олиб, об-ҳаво инжиқликларини ҳам писанд қилмайди деган фикрда эдик. Тўғри иш қилган эканмиз.

Ғўза парвариши даврида ишларимиз оғирлашиб қолди. Куч озлик қилиб, ғўзамизни ўт ўраб кетди. Бор ишни кучларидан тўла фойдалансак ҳам кучимиз камлик қиларди. Кейин қишлоқнинг кесалари билан маслаҳатлашдик. Улар далага чиқиб бизга ёрдам беришди.

Уш кунларда идора ходимлари, пахтачиликдан бошқа тармоқларда ишловчи бўлиб қолган

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Район саноат корхоналарида, колхозларда, совхозларда, муассасаларда ва аҳоли яшайдиган жойларда лекциялар, докладалар ўқиш, суҳбатлар ўтказиш, савол-жавоблар кечаси ва икундй кечалар уюштириш одат бўлиб қолди. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият лекторлари ҳозирга қадар КПСС XXII съезди ва КПСС МК ноябрь Пленуми материаллари, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, коммунизм курувчисининг ахлоқ кодекси, фан ва техника ютуқлари, саноатда ва қишлоқ хўжалигини илгори тажрибаси ҳамда илмий-атеистик темаларда 2100 дан ортиқ лекция ўқидилар.

Районда лекторлар кўни ўтказиш лекция пропагандасини кўчатиришда икундй роль ўйнамоқда. Район партия комитети, сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият район бўлимининг правленеси 6 марта лекторлар кўни ўтказди. Бу кунларда райондаги барча колхоз ва совхозларда ҳар хил темаларда лекциялар ўқидилар. Кейинги вақтларда лекция пропагандасини кўчатиришда сиддиқил билан ишлайдиган ажибй лектор кадрлар етишиб чиқди. Ваҳоб Қодиров «Коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшайлик» деган темада мазмунли лекция ўқитди. С. Қаримсоқов, С. Анисимов, Ш. Ирисоев, В. Прокофьев, Ғ. Бесоев, А. Бадалов ўртоқлар ўзларининг сермазун лекциялари билан кўпчилиكنинг хўрматига сазовор бўлмоқдалар. Яхши лекторлардан К. Турсунов, А. Бадалов, С. Қаримсоқов, Қ. Эгамқулов ўртоқлар сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият Тошкент област бўлимининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар. Раҳбар ходимлардан К. Асилбеков, В. Бабочкин, М. Хўжаев ўртоқлар ҳам актуал темаларда лекция ва докладалар билан чиқиб турадилар.

Меҳнаткашлар учун юридик ва ҳуқуқшунослик темаларда уюштирилётган савол-жавоб кечалари ва тематик кечалар иши диққатга сазовордир. Ўданов номли, Ленин номли, «Қозғоғистон ССР 30 йиллиги», «Қизил ту» колхозларида ва совхозларнинг бўлимларида социализмнинг улғур принциплари «Ишлаганга тишлайди» деган темада лекциялар ўқилиб, текинхўрлар, ялқовлар ва безориларга қарши курашда жамоатчиликнинг роли катта экани оммага тўшутирилди.

Кишиларга коммунист ахлоқ принципларини сингдириш, эскилик қолдиқларига қарши кураш, диний урф-одатларни тугатиш учун курашиш сиёсий-тарбиявий ишларнинг марказида туради.

Шунинг учун аҳоли ўртасида илмий-атеистик пропаганда ишларини кўчатиришга жиддий эътибор берилди.

Хужакентда «Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақида», «Фан ва дин» деган темаларда ўтказилган кечаларда академик Қ. Нисийн ва бошқа олимлар тингловчиларнинг 40 га яқин саволларига жавоб бердилар. Бу кеча тингловчиларда яхши таассурот қолдириб, Ленин номли колхоз клубида тарих фанлари кандидатлари Абдураззоқов, Аҳмад жон, Хошимов ўртоқлар «Халқаро ахлоқ» темасида тематик кеча ўтказиб, колхозчиларнинг кўпгина саволларига жавоб бердилар. Бу ўртоқлар Совет Иттифоқининг ташки ва ички сиёсатини атрофлича тўшутирдилар.

Шоирлардан М. Бобоев, Ё. Мирза, Ж. Жабборов ва филология фанлари кандидати, доцент Л. Қаримов ўртоқлар район маданият уйда уюштирилган икундй кечаларда катнашдилар. Клубларда, чойхоналарда ва дала ишлонларида «Медицина ва дин», «Коммунизм курувчисининг ахлоқ кодекси», «Социалистик жамиятда оила ва никоҳ» деган темаларда савол-жавоблар кечаси, лекциялар ва суҳбат ташкил қилиниб, буларда хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлаётганлар қаттиқ танқид қилинапти.

Меҳнаткашлар орасида ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб боришда сиёсий ташкилотчилар ҳам партия ташкилотларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ўданов номли колхознинг сиёсий ташкилотчилари К. Азимбеков, У. Омонбеков ўртоқлар намунали ишлайдилар.

Машғаллар тажрибасини кенг ёйиш ишига алоҳида эътибор берилди. Фрунзе номли колхознинг илгор сут соғувчиси Сайрам Раззоқов, «Қизил ту» колхозининг новатор чўпони Аширмат Эштов, илгор макжаҳхўрлик Қўчқор Атемов ўртоқларнинг иш тажрибалари ёзилган плакатлар нашр этилди.

Олиб борилган оммавий-сиёсий ишлар хўжалик ишларига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Район меҳнаткашлари давлатга дов, гўшт, тухум, жун, полиз эканлари, савол сотиш планларини муддатидан илгари ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар.

Пропаганда ва агитация ишларини ташкил қилишда ҳали жиддий камчиликларимиз ҳам бор.

Район партия комитети оммавий-сиёсий ишлардаги камчиликларни тугатиш соҳасида барча чораларни қўриб бу ишга ҳар тарафлама яхшилайди.

А. РАХИМБЕРДИЕВ, Бўстонлик район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

ҲОСИЛНИ ИИҒ, ШУДГОРНИ ҚИЗИТ!

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛСИН ДЕБ...

Янгийер районидagi 2-боғдорчилик совхозида кузги-қишқи тадбирлар қизиқ кетди. Ўртоқ К. Тошев бошлиқ бригадада қилинаётган ишлар диққатга сазовор. Бу ерда 33 гектар узумзор, анорзор ва анжирзорларни совуқдан сақлаш чоралари қўрилди.

Совхозда шўр ювиш ҳам яхши йўлга қўйилган. А. Мўминов, А. Саҳобов, Б. Умаров, М. Бобохонов каби боғбонларнинг гафрати тўғрйли ҳозирча 227 гектардан ортиқ ернинг шўри кетказилди. Бу ерларга баҳорда қўнат экилади.

Г. ЮСУПОВ.

Оржоникидзе районидagi Охунбобоев номли колхознинг теплица хўжалигида помидордан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Колхозчилар йил охиригача теплицадан кам деганда 5,5 тонна савзавот ҳосили олишни мўлжалламоқдалар. Суратда: Савзавотчи К. Аширов теплицадан.

В. Свориченский фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси)

ЗАФАР

Партия XXII съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун ўзaro социалистик мусобақани қизитиб юборган бригаданиз аъзолари фидокорона меҳнат қилиб, катта зафарни қўлга киритдилар. 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан иландаги 29 унрга 32 центнердан «оқ олтин» топшириб, ўз устиданга олган социалистик мажбуриятининг ҳам бажардик.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш ҳамда пахта йиғим-терим даврида механизациядан унумли фойдаланилди. 60 гектар ердаги машинабон қилиб ўстирилган ғўзалардаги мўл ҳосил улкан агрегатлар билан териб олинди. «Зағорни кема» билан 131 тонна «оқ олтин» терилди. Терилган ҳосилнинг деярли ҳаммаси қўнқарморица ташилди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорларига жавобан ушқоқлик билан меҳнат қилётган колхозчиларимиз келгуси йил мўл ҳосилга пухта тайёргарлик кўраётдилар. Ҳосилни ердан тозалаб олиш билан бирга шудгорлаш қизитилипти. Биз ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлган бу ишга агротехника қондаларига қатъий риоя қилган ҳолда қисқа муддатда ўтказамиз.

Ж. ҚҶЧҚОРОВ, Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи.

ХИРМОНГА 18 декабргача

БАРАКА!

Пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида маълумот

Ишлаб чиқариш бошқармалари	(Планга нисбатан процент ҳисобида)		
	Бир кунда	Мавсумдан бери	Қоп-қанорсиа ташини
ТОШКЕНТ	0,01	109,31	147,80
ЯНГИЙҒЛ	0,03	100,00	120,56
Янгийер	0,10	84,70	103,11
Чирчиқ	0,02	79,58	99,46
Сирдарё	0,06	66,47	79,98
РАЙОНЛАР:			
ҚУНИ ЧИРЧИК	—	121,87	130,62
ОРЖОНИКИДЗЕ	0,01	104,23	144,08
ЮКОРИ ЧИРЧИК	0,07	100,91	101,44
ЧИНОЗ	0,01	100,71	131,12
Янгийўл	0,04	91,88	115,61
Ўрта Чирчиқ	0,02	91,69	111,80
Янгийер	0,10	88,21	111,49
Пискент	0,02	83,70	100,47
Бекобод	0,09	80,62	94,19
Бўна	0,05	78,33	108,67
Сирдарё	0,04	73,71	105,35
Комсомол	0,07	65,79	87,00
Оққўрғон	0,02	64,09	60,95
Ғулистон	0,09	53,98	72,49
ОБЛАСТЬ БЎНИЧА	0,05	82,52	104,29



ИНСОН ҚҶЛИ ГҶЛ

Ғалвир сувдан қўтарилди. Деҳқоннинг димоғи чоғ. Бир йил эрта-кеч далада куйманиб, куёш оловида, кишининг жонни ачитувчи қишқирларидан рибзат чеккани зое кетмади. Хирмони баракани, дастурхонни тўкиб бўлди унинг. Энди тўй қилса ярашади. Ғолиблар даврасига кириб, мурт бўраб, чертиб-чертиб гап гапирса келишади. Ҳарна деса шунини ўрин, Жангда ёв устидан ғолиб чиққан, 8 бўлга ор-номус учун чопилган пойгада оти ўзган мерганларини қўлма-қўл қўтариб, бардор-бардор қилиб кутлаш халқимизга та мори, одат ахир. Отасига минг раҳмат ғолиб деҳқоннинг.

Яқинда Ғулистон районида илгари Мўлзабўл ерларида пахта экиб доим мўл ҳосил етиштириб келган тажрибали деҳқонларнинг кенгаши чапчилди. Бунинг сабаби шунки район 1956 йилда ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта етиштириб катта ғалабани қўлга киритган эди. Аммо ҳосилдорлик ортиб ўрнига қамайиб борди. 1960 йилда ҳар гектар ерда 12 центнердан, 1961 йилда эса 14 центнердан ҳосил олинди. Бу йилги аҳвол бундан ҳам оғирроқ. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 10 центнерга ҳам боргани йўқ. Район партия комитети тажрибакор, кекса деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, 1963 йилда ўтган йилларнинг дегини ювиш вазифасини хал қилмоқчи эдилар. Чиндан ҳам кенгаш райоinda жуда катта резервлар борлигини кўрсатди. Тажрибали пахтакорлар ерни яхши ишлаш, ундан ишнинг қизини билиб фойдаланиш ҳақида жуда яхши фикрларни айтидилар. 50 га яқин бу кекса пахтакорларнинг ҳар бирини ўз ишнинг устаси деса бўлади. Улар айниқса шўрга қарши кураш зарурлигини қайта-қайта таъкидладилар.

Мана, оқ-саридан келган мўлловдор одам Мамажон ақа Султонов «Октябрь» колхозига Фарғонанинг Бағдод районидан келиб, 25 йил бригадирлик қилган. Ҳар йили плани бажариб, қўпи 37 центнер, энг ками 31 центнердан ҳосил олган. Ундан пастга тушгани йўқ. Икки йилдан бери пахтачиликдан четлаб қолган эди. Районнинг аҳволини кўриб, у жим туролмади. Шу гурунғ чоғида яна бригадирликка қайтиб, давлатга пахта бераман деб лафз қилди.

— Биз ерни чуқур ҳайдар эдик, — дейди ўз тажрибаларини гапириб, — бунинг сабаби бор. Биззи одамлар ерни савз ҳайдармас, бўлмаса шўр турупроқ ер бетида чигит қолади дейишади. Ўш нарсани чуқурроқ уйлаб қўриш: савз шудгор қилсак, ғўза сал ўсиб, томир чўзган, ўк томир заран ерга тегиб қолади. Ўзига керакли озуқани ололмайди-да, ўсини сузаяди. Ер чуқур ҳайдалса ғўза яраб томир отади. Нам ҳам ерда ўзоқ сақланади. Чуқур ҳайдашнинг шўр ювишдаги фойдаси жуда катта. Яхоб вақтида туз анча пастга чўкиб кетаяди.

Мен ғўзаяони йиғиб олмай туриб ҳайдаб юборишга қаршман. Бундай ўйлаб қаранг. Бизда кўпинча ноябрь, декабрь ойлариди.

Босилмаган хабарлар изидан

«XXII партсъезд» колхозида электр станцияси бўлатуриб, шу колхознинг «Деҳқонбод» участкасида яшовчи колхозчиларнинг уйи электрлаштирилмаганлиги, радиоузел меҳнаткашлар талабига мутлақо жавоб бермаётганлиги редакцияга хабар қилинган эди.

Ғулистон район илгори комитети раисининг унрибосари ўртоқ Ғайитдиновнинг редакцияга маълум қилишича, халқа кўрсатилган камчиликлар тўғри топилган, ҳамма колхоз хонадонлари электр нури билан таъминланган ва уларнинг радиога бўлган талаблари ҳам тўла қондирилган.

МЕҲНАТ — ТАГИ РОҲАТ

Ашхикент қишлоқ Советидаги «Узбекистон» колхозида хўжаликнинг барча тармоғи йилдан йилга юксалиб бормоқда. Пахтачилик ва чорвачилик бўйича ҳосилдорлик ошган сайин фидокорона меҳнат қилаётган колхоз аъзоларининг турмуши ҳам фаровон бўляпти.

Ҳозир барча колхозчи хонадонлари Илгир нурларидан чарогон. Қўнчилик хўжаликлар янги ҳашаматли уйлорга қўчиб киришди. Яқинда колхоз аъзолари учун яна 50 га яқин ишона жў-жой биноси қад қўтарди. Колхоз радиоузели ишга туширилди, меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари учун барча қўллайликлар яратилди. Буларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнат тўғрйли бунёда келди. Меҳнатнинг тағи роҳат деб шунга айтадилар-да.

М. ОЙДИНОВ.

ШИҶИЛ ХАБАРЛАР

ЧИРЧИҚ. Шаҳардаги химиклар маданият саройида яхши жиҳозланган илмий атеизм кабинети очилди.

ТОШКЕНТ. Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг икундй лективни шу кунларда Тошкентда бўладиган Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳақидаги бағишлаб, Қорақалпоқ ёзувчиси Телеговнинг «Аму ҳақрамонлари» асарини сахналаштириш устида ишломқда.

А. ИСОҚОВ.

Напр. Р. 1747.